

Тоҷикистон муфтийсидан миннатдорлик мактуби



20:06 / 04.12.2023 893

2023 йил 25-26 ноябрь кунлари Тошкент ва Бухоро шаҳарларида бўлиб ўтган нуфузли тадбирлар ҳамда халқаро конференцияларда иштирок этган муфтийлар ва уламолар номидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратларига миннатдорлик мактублари келмоқда.

Шундай мактублардан бири Тоҷикистон Ислом маркази раиси, Тоҷикистон муфтийси Саидмукаррам Абдуқодирзода жанобларидан келган. Жумладан: – Машҳур Мир Араб мадрасасининг 500 йиллигига бағишланган халқаро конференцияни аъло даражада ўтказилгани, Ўзбекистон Республикасида самимий қабул ва меҳмондўстлик кўрсатилгани учун чуқур эҳтиромимиз ва чин дилдан миннатдорлигимизни қабул қилгайсиз. Шунингдек, ушбу сафарда муносиб хизмат кўрсатган ва доимий ҳамроҳлик қилган Тошкент шаҳридаги “Кўкалдош” ўрта махсус ислом билим юрти мудир Абдуҳаким қори Матқуловни бириктирилгани учун алоҳида ташаккур изҳор этамиз.

Умид қиламизки, бундай муҳим ва долзарб тадбирлар диний идоралар раҳбарларининг ўзаро тушуниши ва ҳамкорлигига катта ҳисса қўшади, глобал тинчлик ва икки томонлама мулоқотни ривожлантиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Келажакда алоқаларимиз ва дўстлигимиз янада мустаҳкамланади, дейилади миннатдорлик мактубида.

Мана шундай миннатдорлик мактубларида юксак эътибор ва юқори даражадаги ташкилотчилик учун ташаккур билдириш баробарида Ислом дини ривожини йўлидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва мусулмон уммати учун долзарб масалаларга ечим топиш борасидаги учрашувлар юқори баҳоланган.